**1 октябрь —**



**Ўқитувчилар ва мураббийлар куни**

# Сизгадир илк раҳмат, азиз инсонлар, Мунис муаллимлар, Сизга ташаккур

*Ҳазрат Алишер Навоий айтганидек, бизга лоақал бир ҳарф ўргатган устознинг ҳаққини юз минг ганжу хазина билан ҳам узиб бўлмайди. Биз улардан умрбод қарздормиз.*

**Ислом КАРИМОВ**

*Нишондорларимиз*

Дилором Усмонхўжаева ҳам ўз онаси ва яқинларидан меҳр кўрмаган, тақдир тақозоси билан диллари ўксиб қолган ногирон болаларга саховат билан муҳаббат улашаётган, уларни сабр-бардош билан парвариш этаётган аёллардан биридир. Дилором опа 25 йилдан буён пойтахтимиздаги 1-Мурувват уйида энага бўлиб хизмат қиладилар. Асли касби ҳамшира бўлганлиги боисми болаларнинг қарашидан, хатти-ҳаракатларидан нима демоқчи эканини, унга нима кераклигини пайқаб олади. Айниқса, болаларнинг уни «ойи» деб чақиришлари кўнглини эритиб, онаси ўрнини босгиси, меҳр улашгиси, ўксик дилларига малҳам бўлгиси келади.

Саховатли ишга бел боғлаган Дилором Усмонхўжаева пенсионер бўлишига қарамай, бу ерда тарбияланаётган болалардан, уларнинг бегуноҳ кўзларидан кўнгил узолмайди. Ана шунинг учун ҳам ўз қадрдон жамоасида 5-гуруҳдаги 14 нафар ўғил-қизга хизмат кўрсатмоқда. Уларнинг кулгусидан севинади, тоблари қочиб қолса қайғуради. Шу боис бўлса керак уни нафақат бу ерда тарбияланаётганлар, балки ҳамкасблари, жамоа аҳли ҳам қадрлашади.

— Бу аёлнинг мулойимлиги, вазифасига сидқидилдан ёндошиши, болаларга ниҳоятда меҳрибонлиги, бир сўз билан айтганда қалби тозалиги барчага ёқади, — дейди Мурувват уйи директори Татьяна Саидова.



## ЮРТ БОЛАСИ СОҒ БЎЛСИН

**Қалбида меҳр-муҳаббати, эзгу-нияти бор инсонгина саховатли бўлади, савоб ишларга бош қўшади. Ана шундай инсоннинг қалби дарё, дилида бир олам яхшилик уруғлари ниш урган бўлиши, табиий. У ана шу яхшиликнинг меваларини атрофдагиларга улашиб, қалбида завқ туяди, кўнгли ором олади.**

Шу боис бўлса керак 25 йиллик меҳр чечаклари — Дилором Усмонхўжаеванинг меҳнатлари бугун муносиб баҳосини олди. У Мустақиллигимизнинг 9 йиллиги арафасида Республикамиз Президенти Фармонига кўра I даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан тақдирланди.

— 2000 йил мен учун қутлуғ келди, десам сираям муболаға бўлмайди, — дейди Дилором Усмонхўжаева. — Президентимиз томонидан ушбу йилнинг Соғлом авлод йили деб эълон қилиниши, «Соғлом авлод» давлат дастурини амалга оширишда асосий эътибор қаратилиши лозим бўлган олтита устивор йўналишлардан бири айнан мен меҳнат қилаётган соҳага қаратилганлиги, яъни ногирон болаларни давлат томонидан ҳимоялашни кучайтириш, уларнинг жамиятимизнинг тўлақонли аъзоларига айланиши учун шарт-шароитлар яратиш кераклиги ва айни дамда менга берилган юксак мукофот бир олам қувонч бахш этди. Улуғ ҳамда савобли ишга ўз ҳиссамни қўшаётганимдан бениҳоя фахрландим. Чиндан ҳам мустақиллик йилларида ҳаётнинг аччиқ қисматига учраган — ногирон ўғил-қизларга қаратилаётган эътибор, фарзандларимизнинг соғлом ва баркамол бўлишлари йўлидаги жуда катта саъй-ҳаракатлар мени бир аёл, она, мураббий сифатида ҳам мамнун этади.

Дилором опа меҳнат қилаётган Мурувват уйида 300 нафар бола тарбияланади. Уларнинг ёшлари 4 дан 18 гача. Бу болалар республикамизнинг турли вилоятларидан бўлиб, баъзилари 8-синф ҳажмида таълим ҳам олишади. Болалар учун барча шарт-шароитлар муҳайё қилинган, меҳрибон шифокор ва тарбиячилар, энагалар уларнинг дардига малҳам, атрофида парвона. Дилором опанинг Рима Муслимова, Машкура Тошбоева, Марғуба Муталова, Рая Тўхтаева сингари ҳамкасблари ҳам бу ерда тарбияланаётганлар кўнглини ўкситмасликка ҳаракат қилишади.

— Шуни айтиш лозимки, бизнинг Мурувват уйимизда меҳнат қилиш алоҳида жасорат талаб этади. Дилором Усмонхўжаевада ана шундай жасорат ҳам, сабр-бардош ҳам, меҳр-муҳаббат ҳам мужассам. Шунинг учун бўлса керак унга берилган юксак мукофотдан бутун жамоа хурсанд бўлди.

Дилором опа меҳрибон она, тадбиркор қайнона, жонкуяр буви сифатида ҳам ўзи яшаётган маҳаллада обрў-эътиборга эга. Беш фарзанди — Равшан, Абдурауф, Дилфуза, Дилноза ва Шаҳнозалар турли касбларни эгаллаб, юртимиз равнақига ўз ҳиссаларини қўшишмоқда. Икки келин ва 7 нафар набиралар эса бувижонлари атрофида парвона.

— Қандай ишлашни, ён-атрофдагиларга муомалани, рўзғор тутишни ойижонимиздан ўргандик, — дейди келин Нилуфархон. — Нафақат улар бизга она, балки яқин маслаҳатчимиз, ўртоқ, сирдош бўладилар ҳамиша. Мен ҳам улар меҳнат қилаётган жамоада тарбиячи бўлиб ишлайман. Ҳамкасбларимнинг уларга бўлган муносабатини кўриб қувонаман, ойижонимни янаям кўпроқ ҳурмат қилишга, эъзозлашга, улардан ўрганишга интиламан.

Бу йилги Ўқитувчилар ва мураббийлар кунини Дилором опа хонадони аъзолари ўзгача руҳда кутиб олишмоқда. Оналари олган юксак мукофот барчасини руҳлантириб юборгани бежиз эмас. Ахир хонадон чароғбони бўлган онанинг қувончи фарзандларга қанот, қудрат ва қувват беради-да.

— Юрт боласи соғ бўлсин, — дейди онахон кўзларида ёш билан. — Яхши ният қилган ҳар бир инсоннинг хонадонида тўрт мучаси соғ фарзандлар дунёга келсин. Ҳеч бир ногирон бола онасию яқинларини қўмсаб кўзлари жовдирамасин.

Меҳрибон мураббия, бахтиёр она Дилором Усмонхўжаеванинг дил истаклари рўёбга чиқишини чин кўнгилдан истаб қоламиз.

**Шарифа ИЛЁСОВА.**

**СУРАТДА: Дилором Усмонхўжаева.**
**Тоҳир Ниғматуллин олган сурат.**

## Устоз

*Юзингизга термуламан ўйга толаман,*
*Сиз Зебуннисонинг авлодидурсиз.*
*Кўзингизда Моҳлар ойим аксин*
*кўраман,*
*Сиз ўзбек аёлин тимсолидирсиз.*

*Бошингизда ёпган ҳарир рўмолда*
*Увайсий бувимнинг суратин кўрдим.*
*Мунис чеҳрангизда қувонч кўрганда,*
*Тўмарисни эслаб, хаёлга чўмдим.*

*Йиллар ўтадилар, умр ҳам ўтар,*
*Неча Бибихоним келиб-кетади.*
*Лек улардан қолган буюк мерослар*
*Сиз орқали келиб, бизга етади.*

*Опажон, сиз устоз, бизлар шогирдмиз,*
*Шогирдларингизни эслаб турингиз.*
*Биздек ёш авлоднинг бахтига доим,*
*Азиз устозларим омон бўлингиз.*

**Дилноза МУРОТОВА,**
**Чилонзор туманидаги 126-мактабнинг 7-синф ўқувчиси.**

*Диллашув*

## КУЗ ОЛТИНМАС, СИЗ ОЛТИН

Устоз — мураббий — унинг меҳнати ғоят машаққатли, айни пайтда бениҳоя шарафлидир. Меҳри дарё устозларимизнинг ўгитлари, берган таълим-тарбияси фарзандларимизнинг камолга етишида катта аҳамиятга эга. Айни устозлар улуғланадиган байрам кунларида шоира Зулфия Мўминова билан дилдан суҳбатлашдик.

**— Зулфияхон, сиз биринчи устозингиз ҳақида бадиҳа ёзгансиз. Бу бадиҳани ёзишингизга сабаб устоз олдидаги қарздорлик ҳиссими ёки бошқа туртки ҳам бўлганми?**

— «Сиз шеърга сиғмайсиз» деб номланган бадиҳам менинг биринчи ўқитувчим — бетимсол педагог, онадек меҳрибон, отадек қаттиққўл муҳтарам зотга бағишланади. Минг афсуски, ўқитувчим ҳаётлигида бу бадиҳани нашрдан чиқара олмаган эдим. Аммо, бугунги кунда юртимизда минглаб шундай фидойи жонлар мактабларда сабоқ бераётганини ўйлайману, таскин топаман. Учрашувларга борганимда мактаб ўқувчиларига бу асар барча яхши ўқитувчиларга ҳам бағишланади, деб айтиб ўтаман.

Менинг шоира бўлишимни биринчи ўқитувчим жуда-жуда орзу қилардилар. Ўша гўзал орзу учун ҳам мен улар ҳақида ажойиб шеър ёзаман деб юрардим. У кишининг таърифини, маънавиятини тасвирлашга битта шеър етишмаслигини тушуниб етгач «Сиз шеърга сиғмайсиз» деган бадиҳани ёздим. Битта синфда йигирма олтита ўқувчи ўқиган бўлсак йигирма олтита хотира, йигирма олтита қарздорлик ҳисси бадиҳани ёзишимга туртки бўлган.

**— Ўқитувчингизнинг маънавияти ҳақида нималарни эслай оласиз?**

— Ростини айтсам у пайтларда маънавият сўзи умуман ишлатилмасди, аммо у киши катта маънавият эгаси бўлганини ва бу хазина бизнинг тарбиямизда нурли из қолдирганини энди англаб етмоқдаман. Мисол тариқасида айтсам: бир синфдошимиз ота-онаси вафот этиб, бобоси ва бувиси қўлида қолган эди. Ўқитувчимиз ўз ёнларидан қишга этик сотиб олиб, яна бу совға унга етимлигини билдирмасин деган истиҳолада, мана почтадан қорбобо юборибди, ҳатто хати ҳам бор экан, деб шуни ҳам йўлини топган эдилар. Хатни мен ўқиб берган эдим. Ўқитувчим қилаётган савобни кичкина қалбим тушунган эди. Ҳали, ҳали эсласам ўшанда қандай қувонган бўлсам, шундай қувониб кетаман. Устозимиз бизга ногирон одамлар устидан кулмаслик, бирон кишиси вафот этган хонадон ёнидан ўтаётганда қаттиқ гапирмаслик, хахолаб кулмаслик, ашула айтиб ўтмаслик керак деб кўп уқтирардилар. У муҳтарам зот бизга ҳар куни маънавият улашган эканлар.

**— Ҳозирги кун ўқитувчиси ҳақидаги фикрларингиз...**

— Дунёда ҳамма нарса ўзгаради, аммо ўқитувчининг меҳрли қалби ўзгармайди. Бу касбга садоқат уларга Аллоҳ томонидан берилган десам тўғри бўлади. Ҳозир ҳам илм масканларимизда умрини келажак авлод тарбиясига бағишлаган юксак ақл, билим ва тажриба эгалари меҳнат қиладилар. Мен уларни мактабларда юрган қуёшлар дегим келади.

Албатта мустақил юрт ўқитувчиларининг имконияти жуда катта. Шунга яраша меҳнатларининг самарасини кўришмоқда. Сергели туманида жойлашган 6-лицей мактабининг битирувчилари шу йил юз фоиз олий ўқув юртларига ўқишга киришди. Яна дунёнинг бир неча мамлакатларида иқтидорли ўқувчилар таҳсил олишмоқда. Бугунги кун болалари боғчадаёқ юрт, Ватан тушунчаси билан, фахру ғурур билан тарбияланаяпти. Боғча болалари Ўзбекистон мадҳиясини айтаётганда менинг кўзимга севинч ёшлари қуйилиб келади. Бу севинчда устоз, мураббийларнинг ҳалол меҳнати, фидойилиги ётибди.

**— Президентимизнинг 1 октябрь санасини Ўқитувчилар ва мураббийларнинг касб байрами сифатида нишонлаш ҳақидаги Фармонлари тарихий воқеага айланди. Ушбу қутлуғ кун арафасида устозларга қалб истакларингизни айтсангиз.**

— Бу байрам Мустақиллигимиз шарофати ила қадр топган улуғ байрамлардан биридир. Бола ота-онанинг жони. Жонимизни устозларга ишониб топширамиз десам муболаға бўлмас. Мен бу табаррук зоти шарифларни олтинга қиёслаб шеър ёзганман. Шу шеъримни барча устозларга байрам табриги дея тақдим этаман.

* * *

*Атроф сокин, куз олтин,*
*Куз олтинми, сиз олтин?*
*Куз ўткинчи бир фасл,*
*Ўқитувчим сиз олтин.*
*Атроф сокин, улуғвор.*
*Атроф ўйчан, атроф куз*
*Улуғвор хаёлларла,*
*Сиз ундан улуғворсиз.*
*Сиз учун очилгандир,*
*Куз фаслининг гуллари.*
*Қалбингиздан бошланар*
*Илмнинг нур йўллари.*
*Сиз қўл силтаб қоласиз*
*Турналарга мулойим.*
*Турналар қайтгунича*
*Омон бўлинг илойим.*
*Сокин кузга термулиб*
*Сурасиз сокин хаёл*
*Юзингизга урилиб,*
*Узр сўрайди шамол.*
*Атроф сокин, куз олтин,*
*Куз олтинми, сиз олтин?*
*Куз ўткинчи бир фасл,*
*Демак устоз сиз олтин.*

**Шоира МУҲАМЕДОВА суҳбатлашди.**



**Собир Раҳимов туманидаги Амир Темур маҳалласида истиқомат қилувчи фахрий педагог Нуриддин Саидхўжаев ҳамон болаларнинг севимли устози ва маслаҳатгўйидир.**
**Равиль Альбеков олган сурат.**

*Анжуманлар*

## ҚИЗЛАР ТАРБИЯСИГА ЭЪТИБОР

Мустақиллик туфайли маънавиятимиз юксалишига, миллий қадриятларимиз, шарқона маданиятимиз, урф-одатларимизнинг тикланишига мушарраф бўлмоқдамиз. Куни кеча пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур туманидаги 324-мактабда Тошкент шаҳар хотин-қизлар қўмитаси ва шаҳар халқ таълими Бош бошқармаси томонидан ўтказилган тадбир ҳам «Мустақиллик, маънавият ва миллий кийиниш маданияти» деб номланди.

Ушбу амалий анжуманда шаҳар мактабларининг маънавият бўйича директор ўринбосарлари, ўсмирлар клублари педагог ташкилотчилари ва мактаблардаги «Қизлар клублари» фаоллари иштирок этишди. Уни Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раиси Фарида Абдураҳимова очиб, Истиқлолимизнинг юртимиз хотин-қизларига берган неъматлари, «Соғлом авлод» Давлат дастурини бажаришда муаллима аёлларимизнинг роли, устозлар маънавияти ҳақида сўз юритди.

Зулфия номидаги Давлат мукофотига тавсия этиш йўриқномасига асосан номзодларнинг ҳужжатларини расмийлаштириш бўйича тавсиялар ҳақида Шайхонтоҳур тумани ҳокими ўринбосари, туман хотин-қизлар қўмитаси раиси Саида Жалилова тушунтириш берди. Тошкент Давлат Консерваторияси аспиранти, 1999 йил Зулфия Давлат мукофоти совриндори Ойдин Абдуллаева йиғилганларга ўз дил сўзларини изҳор этиб, бу йилги бўлажак номзодларга омад тилади.

Шунингдек, Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармаси маънавият бўлимининг етакчи мутахассиси Саида Абдураҳмонова анжуман қатнашчиларини Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 10 июндаги «Зулфия номидаги Давлат мукофотини таъсис этиш бўйича таклифларни қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги Фармонини бажариш ва «Соғлом авлод» давлат дастурини амалга тадбиқ этиш тўғрисидаги Тошкент шаҳар ҳокимининг 2000 йил 124-сонли қарорининг 11-боб 48-бандини бажариш мақсадида пойтахтимиздаги умумтаълим мактаблари ёш ўқитувчилари ва ўқувчи қизлари ўртасида ўтказиладиган «Зулфияхоним қизлари» шаҳар кўрик-танлови низоми билан таништирди. Ушбу кўрик-танлов халқ таълими Бош бошқармаси тизимида уч босқичда ўтказилиб, унинг асосий мақсади ўқувчи-қизлар орасида ижодкорлик, интилувчанлик, меҳнатсеварлик, ватанпарварлик, бокиралик, миллатимиз ва давлатимиз манфаатларига содиқлик, маънавий, маърифий, маданий баркамоллик ҳис-туйғулари ва кўникмаларини шакллантириш ҳамда давримиз қизларини она Ватан тимсоллари бўлмиш Тўмарис, Туркон хотин, Бибихоним, Қурбонжон додҳо, шарқ аёлининг иффати ва садоқати тимсоли бўлган Нодирабегим, Увайсий ва Зулфияхонимлардек тарбиялашдир.

Анжуман қатнашчилари мустақиллик, маънавият ва миллий кийиниш маданияти ҳақида ўз фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашдилар, қизиқарли савол-жавоблар бўлди. Айниқса, анжуман сўнгида Чилонзор туманидаги 126-мактабнинг 7-синф ўқувчиси, «Қизлар клуби» фаоли Дилноза Муротованинг устозларга бағишлаб ёзган шеъри ҳамда Ҳамза туманидаги 230-мактабнинг 7-синф ўқувчиси, республика «Истеъдод-2000» кўрик-танлови ғолиби Дилноза Шерматованинг дилрабо рақслари барчани хушнуд этди. «Машҳура» хусусий фирмаси чеварлари томонидан яратилган миллий либослар намойиши эса барчага завқ бағишлади.

**Дилноза ҒИЁСОВА.**



**Сергели туманидаги молия лицейи ана шундай замонавий бинога эга бўлиб, унда лицей ўқувчиларига пухта билим бериш учун барча шароитлар яратилган.**
**Сергей Любчич олган сурат.**

## ҚАДР ТОПГАН ТУШУНЧАЛАР

Республика таълим маркази «Маънавият ва қўшимча таълим» бўлими бошлиғи, «Меҳнат шуҳрати» ордени нишондори Машкура Туропова Ўқитувчилар ва мураббийлар байрами арафасида жамоатчи мухбиримизга қуйидаги сўзларни изҳор этди.

— Байрамларнинг бўлгани яхши. Айниқса, Президентимиз томонидан ўқитувчилар ва мураббийлар кунининг алоҳида байрам сифатида белгиланиши ажойиб воқеага айланди.

Республика таълим маркази таркибидаги бўлимимиз ҳам таълим соҳасидаги ислоҳотлардан Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ижросида ўз ўринларини белгилаб олишган. Умумтаълим мактаблари учун чиқарилган (I-IV синф) «Одобнома» дарслиги, «Ватан туйғуси», «Маънавият асослари», умуман, 10 дан ортиқ дарсликлар ва уларга дастурлар яратилди.

Бугунги кунда маънавият ва миллий мафкура масалаларига алоҳида эътибор берилаётгани сир эмас. Ана шу мақсадда «Маънавият ва қўшимча таълим» бўлими томонидан ишлаб чиқилган 100 дан ортиқ методик тавсиялар, 50 дан ортиқ турли хилдаги қўлланмалар бугунги кунда шаҳримиздаги умумтаълим мактабларининг ҳам иш қуролига айланди. Бу борада 186, 27, 41, 40-мактабларда олиб борилаётган маънавий-маърифий тадбирлар диққатга сазовордир. Бу мактабларда давлат ўқув режасига киритилган «Одобнома», «Ватан туйғуси», «Маънавият асослари» дарсларини ўқитиш юзасидан илмий-амалий семинарлар ҳам уюштирилди. Ноанъанавий, яъни янги педагогик технологиялар асосида дарс ўтаётган мураббийларнинг иш тажрибалари кузатилди, ўрганилди ва таҳлил қилинди.

Халқаро «ЮНЕСКО» ташкилоти билан ҳамкорликда уюштирилган «Буюк ипак йўли» эртаклар китобининг тақдимот маросими республика таълим марказида чақирилган эди. Анжуманда шаҳримиздаги бир неча мактабларга, меҳрибонлик уйларига 5.000 нусхада чоп қилинган «Буюк ипак йўли» эртаклар китоби совға сифатида тарқатилди. Бундай эзгу ишлар ёш авлоднинг маънавий дунёсини бойитишга хизмат қилиши шубҳасиздир.

Умуман, маънавият — туганмас сарчашма, ундан қанча «симирманг» булоқ каби қайнайверади. Мафкура эса унинг тагзаминидир. Бинобарин, бу икки эгизак тушунчани мактабда қарор топтириш, унинг қадрини оширишга ҳар биримиз масъулмиз.

Ўқитувчилар ва мураббийлар куни муносабати билан пойтахтимиздаги мактабларда фаолият кўрсатаётган минглаб муаллимларимизга шундай тилагим бор: «Сизлар маънавият ва миллий мафкуранинг толмас тарғиботчиларисиз. Бу йўлда сира ҳорманг. Зеро, бунданда эзгу ишнинг ўзи йўқ!»

**Ҳулкар ТЎЙМАНОВА ёзиб олди.**

*Бир саволга уч жавоб*

## ҚАНОТЛАНГАН ОРЗУЛАР

**Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университетига бу йил ўқишга қабул қилинган бир гуруҳ талабаларга «Муаллимлик касбини танлашингизга сабаб нимада?» деган савол билан мурожаат қилдик.**

**• Гўзал ХОЛИҚОВА, филология факультети талабаси:**

— Ўқитувчилик касбига жуда ёшликдан меҳр қўйганман. Боғчада боғча опаларимга, мактабда ўқитувчиларимга тақлид қилардим. Она тили ва адабиёт ўқитувчимиз Муҳаббат опа Расулова ўз касбини жондан севган, биз болаларни ўн чандон ортиқроқ севадиган, ўта меҳрибон аёл эдилар. У киши шеър, монологларни айтганларида шундай жимлик бўлардики, таъсирлангандан, ҳаяжондан кўзларимга ёш қалқирди. Ҳаммамиз бирдек севардик ва уларга жуда-жуда ўхшагимиз келарди. Мен ҳам улар уйғотган меҳр-муҳаббат туфайли муаллимлик касбини танлаганман.

**• Тўлқин СОЛИҲОВ, математика факультети талабаси:**

— Муаллимлик касби улуғ касб. Ҳамма даврларда билим берувчиларга иззат-икром кўрсатиб келинган. Ахир ёшларга билим бериш, уларни тўғри йўлга бошлаш, улардаги қобилият-иқтидорларини аниқлаб, кашф қилиш қанчалик мураккаб бўлмасин завқли ҳам. Ҳақиқий муаллим доимо ўқиб-ўрганади, изланади, ўқувчилари қалбига йўл топа олади. Ана шундай мазмунли умр соҳиби бўлиш учун, мустақил Ўзбекистонимизга илмли, зукко, мустақил фикрлай оладиган ёшларни етказиб бериш учун шу касбни танладим.

**• Дилноза ИЛЁСОВА, мусиқа факультети талабаси:**

— Мусиқа жону дилим. Қачонки одамлар мусиқа билан ошно бўлсалар улардан сира ёмонлик чиқмайди. Гўзал хулқли инсонни тарбиялаш учун аввало тарбиячининг ўзи тарбияланган бўлиши лозим. Менинг ниятим ўқишни тугаллаб жажжи кичкинтойларга гўзалликдан дарс бермоқчиман. Менимча озод ва обод юртимиз, келажагимиз давомчиларига боғчадан бошлаб маънавиятимиз ҳақида, ўлмас қадриятларимиз ҳақида сабоқ бериш лозим. Мустақил юртимизнинг мустақил фарзандлари албатта бахтли бўладилар, мен ҳам бу ишларда озми-кўпми ўзимнинг ҳиссамни қўшишни улкан бахт деб биламан.

**Шоҳиста МУРОДОВА ёзиб олди.**

